БУГУН — ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 91 ЙИЛЛИГИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 94 (11.843) | Шанба, 22 апрель, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЯШАСИН ЛЕНИНИЗМ!

Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

В. И. ЛЕНИН 1920 йил, 1-Май

ЛЕНИН ҲАМИША БИЗ БИЛАН

Владимир Ильич Ленининг номи ҳар биримиз учун азиз ва қадрдондир. Биз ҳар йили баҳорда, табиат инсониятга беҳисоб гуллар ҳадя қилган гул фаслида устозимиз Ленин туғилган кунни зўр тантана билан нишонлар эканмиз, қалбимиздаги энг нозик, энг илиқ ва энг самимий меҳр-муҳаббатимизни ана шу улуғ сиймога, инсониятга бахтли ҳаёт йўлини очиб берган улуғ доҳийга яна бир марта изҳор қиламиз.

Владимир Ильич Ленин — ишчилар синфининг содиқ фарзанди. У, ўзининг бутун умрини, ақлидрокини ишчилар синфининг иши, халқ иши учун бағишлади. Ленин тарихнинг чинакам яратувчиси бўлган халқ оммасининг беқиёс, қудратли ижодий кучларига таянди.

В. И. Ленининг улуғ таълимоти — ленинизм давринг марксизмидир. Ижодий марксизмнинг оташин қурашчиси Ленин Маркс таълимотини ўзгариб бораётган тарихий шароитга мувофиқ юксак босқичга кўтарди. Марксизмнинг ишчилар синфи партияси, пролетариат революцияси ва диктатураси, диктатуранинг давлат формаси ҳақидаги таълимоти Ленин томонидан ҳар тарафлама ишлаб чиқилди, янада ривожлантирилди.

Чириб бораётган капитализм дунёсини таг-томири билан яксон қилишга қодир бўлган ҳамда инсониятнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқарадиган, янги социалистик тузумни бунёдга келтирадиган буюк ижтимоий куч — ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонларнинг қудратли иттифоқидир. В. И. Ленин ана шу ижтимоий кучни ҳаракатга келтириш йўлларини топди, уни пролетариат диктатурасининг олий принципи деб асослаб берди. Ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларнинг енгилмас иттифоқидек зўр куч Коммунистик партия раҳбарлигида 1917 йил октябрда Россияда капитализмнинг таг-томири билан ағдариб ташлаш, янги социалистик давлатни барпо қилди.

Владимир Ильич мазлум миллат ва халқларнинг халоскори, энг яқин дўстидир. В. И. Ленининг миллий масаладаги практика билан маҳкам боғланган революцион назарияси барча миллатларнинг орзу-умидларини, келажак истиқболларини равшан кўрсатиб берди.

Чоризм даврида инсон қаторида ҳисобланмаган, эзилган, хўрланган чекка ўлкаларнинг халқлари ленинизм голиб байроғи остида Улуғ Октябрнинг халоскор нури — чашмасидан ваҳот топдилар, социализмнинг кенг ва ёруғ йўлига чиқиб олдилар.

«Қолоқ мамлакатлар, деб ёзган эди В. И. Ленин, — **илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, Совет тузуми ва тараққиётнинг муайян босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин».** Улуғ доҳийнинг башорат қилиб айтган бу сўзлари тарихий тараққиёт процессида тўла тасдиқланди. Ҳар республикаларнинг озод Иттифоқига бирлашган миллатлар энг илғор, энг революцион халқ — рус халқининг қардошларча ёрдами натижасида қисқа муддат ичида иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида оламшумул-тарихий ютуқларни қўлга киритдилар.

Совет халқларининг қардошлик оиласида гуллаб-яшнаётган Совет Ўзбекистони Шарқда социализмнинг ўчмас машъалидир. Совет Ўзбекистони революциядан олдингига қараганда 50 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқараётган ўзининг қудратли саноати билан, механизацияга кенг асосланган, коллективлашган илғор қишлоқ хўжалиги билан, барқ уриб яшнаётган фан ва маданияти билан Ленин ғояларининг ёрқин тантанасини ўзида мужассамлаштиргандир.

Бахтиёр ўзбек халқи СССР даги барча қардош халқлар билан бирга фаровон, бахтли ва озод ҳаёт нурларидан баҳраманд экан, бунинг учун ана шу ғўзал ҳаётимиз ижодкори улуғ Лениндан, замонамиз ақли, виждони ва шон-шарафи бўлган Коммунистик партиядан абадий миннатдордир.

Бизнинг асримиз — ҳамма йўллар коммунизм сари олиб бораётган асрдир. Коммунизм йўли — Ленин кўрсатиб берган йўл орзуниятларимиз йўлидир. Бу йўлни Ленин даҳоси ёритиб турибди.

Ленинизм — миллионларнинг кураш ва ғалаба байроғидир. Ҳозирги вақтда капиталистик мамлакатларда, мустамлака ва қарам мамлакатларда ўз озодлиги, мустақиллиги учун қурашаётган халқлар Ленинизм байроғи остига жипслашгандирлар. Африка, Осиё, Латин Америкаси халқлари империализмнинг шалағи чиққан мустамлака системасини бутунлай йўқ қилиш учун қатъий курашга бел боғлаганлар.

Ленинизм — ўлмас, ижодий таълимотдир. Бу таълимот Совет Иттифоқи Коммунистик партияси съездлари, Марказий Комитет пленумларининг қарорларида, отаси ленинчи Н. С. Хрушчевнинг мақола, доклад ва нутқларида, қардош коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг асарларида яна ҳам ривожлантирилмоқда.

Ленин билан Коммунистик партия қон-қардош, жондош. Партиямиз десак Ленинни, Ленин десак улуғ Коммунистик партиямизни кўз олдимизга келтирамиз. Партия раҳнамомиз, раҳбар ва етакчимиз. Ленин ана шу улуғ партиянинг тузувчиси, тарбиялаб вояга етказувчи мураббийсидир. Ленин Коммунистик партиянинг асосчисидир. Шунинг учун ҳам Ленин билан партия бир сўз демакдир.

Ленин бизнинг юрагимизда, ақлидрокимизда, меҳр-муҳаббатимизда мангу яшамоқда. Биз ҳамма жойда, ҳар куни, ҳар соат, ҳар минут Ильичимизни кўрмоқдамиз: гўё у билан бирга яшаб турибмиз. СССР да тўла ғалаба қилган социализм ва кенг авж олдириб юборилган коммунизм қурилиши ишларида, қишлоқ хўжалигимизни кескин равишда юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улуғвор ишларда, жаҳон социалистик лагери ишларида, қудратли куч бўлиб қолган халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатида, совет ҳукуматимизнинг бутун прогрессив дунё маъқуллаётган тинч-тотув яшаш сиёсатида, ғўзал ҳаётимизда, фаровон оиламизда, хуллас ҳамма жойда Ленин ва унинг ҳаётбахш ғоялари яшамоқда, тантана қилмоқда. Космик фазони забт этиш йўлида ажойиб ғалабага эришган совет олимлари, инженер, техник ходимлари, биринчи марта фазога парвоз этиб, эсон-омон Ерга қайтиб келган, дунёни ҳайратда қолдирган Совет космонавтининг ажойиб ишлари Ленин ғояларининг ифодаси эмасми!

Бугун Владимир Ильич Ленин туғилган кунга 91 йил тўлди. Бутун тараққийпарвар инсониятга энг яқин ва меҳрибон, энг улуғ ва энг камтар азиз Ильичимизнинг ёрқин ҳаёт йўли, буюк сиймоси ҳаммавақт биз билан яшайди. Совет халқи КПСС XXI съезди ва партиямиз Марказий Комитети кейинги пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, партиямиз XXII съезднин муносиб кутиб олиш учун ўзининг бутун куч ва ижодий кобилиятини сарфламоқда. Ленин бошлаб берган коммунизм улуғ ишининг тантанаси учун курашмоқда.

Ленинизм голиб байроғи остида, коммунизм ғалабаси сари, олға!

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

Фан ва техника соҳасида энг кўзга кўринган ишлар учун Ленин мукофотлари бериш тўғрисида

Фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари комитети **қарор қилди:**

I.

Фан соҳасидаги энг кўзга кўринган ишлар учун қуйидагиларга 1961 йилги Ленин мукофотлари берилсин:

1. Академик Абрам Федорович **Иоффега** — чалаўтказгичларнинг хоссалари соҳасидаги назарий ва эксперименталь тадқиқотлар ва термоэлектрик генераторлар назариясини ишлаб чиққанлиги учун.

2. Физика-математика фанлари доктори, СССР фанлар академиясининг В. А. Стеклов номидаги математика институтининг старший илмий ходими Михаил Михайлович **Постниковга** — узлуксиз тасвирлар гомотопик назариясига доир асарлар цикли учун.

3. СССР Фанлар академияси геология институти лабораториясининг мудири, академик Николай Михайлович **Страховга** — «Литогенез назариясининг асослари» деган 1960 йилда эълон қилинган илмий асари учун.

4. А. А. Жданов номидаги Ленинград давлат университетининг профессори, биология фанлари доктори Артемий Васильевич **Ивановга** — 1960 йилда эълон қилинган «Погонофорлар» деган илмий асари учун.

5. Академик Вячеслав Петрович **Волгинга** — Марксгача бўлган социалистик таълимотлар тарихини ишлаб чиққанлиги учун, бу тадқиқотларнинг натижалари «Илмий социализм ўтмишдошлари» серияси-дагы «Франциядa XVIII асрда иктимоий тафаккур тараққиёти» (1958 йил) деган китобда баён қилинган. Бу китоб Мелье, Морелли, Верас, Дезами, Годвинга бағишланган охирги томлар билан тугалланган (1954-1958 йиллар), шунингдек бу тадқиқотлар унинг бошқа асарларида ҳам баён қилинган.

6. Медицина фанлари докторлари Николай Михайлович **Амосовга**, Николай Варденович **Антелавага**, Лев Константинович **Богушга**, Иван Степанович **Колесниковга**, Борис Эдмундович **Линбергга**, Виктор Иванович **Стручковга**, Федор Григорьевич **Угловга** — ўпка касалликларини хирургия йўли билан даволашнинг оригинал методларини ишлаб чиққанликлари ва медицина практикасига кенг жорий қилганликлари учун.

7. СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Николай Васильевич **Коноваловга** — 1960 йилда эълон қилинган «Гепато — церебрал дистрофия» деган илмий асари учун.

II.

Техника соҳасидаги энг кўзга кўринган ишлар учун 1961 йилги Ленин мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. «Краснодар нефтегеофизика» трести конторасининг бошқарувчиси Георгий Дмитриевич **Ильинга**, шу трестнинг бош геологи Марк Романович **Пустильниковга**, «Краснодарнефтеразведка» трестининг бошқарувчиси Константин Филиппович **Кожемякинга**, шу трестнинг бош геологи Константин Иванович **Кийкога**, Краснодар халқ хўжалиги кенгаши нефть ва газ саноати бошқармасининг бош геологи Сергей Тихонович **Коротковга**, геология-минералогия фанлари доктори Андрей Владимирович **Ульяновга** — Краснодар ўлкасида газ тўпланган йирик манбаларни топганликлари ва текшириб аниқлаганликлари учун.

2. Бутуниттифоқ металлургия машинасозлиги илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик институтининг ходимлари — директор ўринбосари, техника фанлари кандидати Александр Дмитриевич **Кузьминга**, сектор бошлиғи Евгений Александрович **Жукевич-Стошега**, бўлим бошлиғи, техника фанлари кандидати Николай Иванович **Криловга**, Жанубий Урал машинасозлик заводининг бош инженери Борис Федотович **Куликка**, Урал оғир машинасозлик заводи конструкторлик бюросининг бошлиғи Михаил Иванович **Анфимовга**, металлургия заводларининг лойиҳаловчи давлат иттифоқ институти «Гипромез»нинг сектор бошлиғи Александр Васильевич **Истоминга**, СССР Министрлар Совети Автоматлаштириш ва машинасозлик давлат комитетининг бош мутахассиси Николай Андреевич **Риженкога**, Бутуниттифоқ электромеханика илмий-тадқиқот институтидаги конструкторлик бюросининг бўлим бошлиғи Николай Афанасьевич **Тишченкога** — узлуксиз тайёрлайдиган 850/700/500 типовой станини яратганликлари ва мавжуд тайёрлаш станларининг иш унумини оширганликлари учун.

3. Соат станоксозлиги махсус конструкторлик бюросининг ходимлари — иш раҳбари, бош конструктор Григорий Иванович **Неклюдовга**, етакчи конструктор Борис Сергеевич **Андреевга**, бош инженер Евгений Федорович **Чучинга**, Москвадаги 2-соат заводининг директори Николай Николаевич **Волковга**, шу заводнинг слесарь-механиги Василий Иванович **Шадиловга**, С. М. Киров номидаги Москвадаги 1-соат заводининг слесарь-механиги Виталий Михайлович **Кудрявцевга** — совет ишлаб чиқариш учун автоматлаштирилган ускуналар яратганликлари ва жорий қилганликлари учун.

4. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ электротехника институти лабораториясининг бошлиғи, техника фанлари кандидати Григорий Рафаилович **Гирценберга** — қудратли гидро генераторлар ва синхрон компенсаторлар учун кучли ҳаракат ҳосил қилувчи автоматик регуляторларни ишлаб чиққанлиги ва жорий қилганлиги учун.

5. Геология-минералогия фанлари кандидати Энвер Назарович **Алиханова**, «Артемнефть» нефть промисло бошқармасининг бошлиғи Аббос Али Мамед ўғли **Биландарлига**, «Гюрганнефть» нефть промисло бошқармасининг бош инженери Бахман Абиш ўғли **Гажиевга**, Озарбайжон нефть чиқариш илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари Мамед Жавод Сулаймон ўғли **Қосумзодага**, давлат илмий тадқиқот ва лойиҳалаш «Гипроморнефть» институти директорининг ўринбосари, техника фанлари доктори Исрофил Пири ўғли **Қулиевга**, шу институтнинг бўлим бошлиғи Давид Константинович **Мзареуловга**, «Азнефть» бирлашмаси бош геологининг ўринбосари Мир Козим Мир Аҳат ўғли **Мамедовга**, «Азморнефтестрой» трестининг бош инженери Завен Иванович **Мелик-Тангиевга**, Озарбайжон ССР Фанлар академияси кимё институти лабораториясининг раҳбари, техника фанлари доктори Всеволод Федорович **Негреевга**, Озарбайжон ССР фанлар академиясининг нефть ва газ конларини ишлаб чиқиш институти директорининг ўринбосари, геология-минералогия фанлари кандидати Фуад Иброҳим ўғли **Самедовга** — Озарбайжон ССР да денгиз нефть конларини комплекс равишда ўзлаштирганликлари учун.

6. «Калининуголь» трести 4-шахтасининг ходимлари — шчат участкасининг собиқ бошлиғи Владимир Данилович **Будковга**, кон ишчиси Дмитрий Сидорович **Кудиновга**, участка бошлиғи Василий Ермолаевич **Сироткинга**, «Шчекинуголь» трести шахта бошқармасининг бошлиғи Абрам Иосифович **Гиллерга**, «Сталиногорскуголь» трести 38-шахтасининг собиқ бош инженери Лев Александрович **Зиглинга**, Лаптев қўмир машинасозлиги заводининг бош инженери Александр Елизарович **Ильинга**, шу заводнинг етакчи конструктори Виталий Иванович **Русаковга**, «Тулауголь» комбинатининг собиқ бошлиғи Иван Маркович **Кратенкога**, шу комбинатнинг бош инженери Павел Николаевич **Пермяковга** — Тула иқтисодий маъмурий районидаги шахталарда тозалаш ишларини комплекс механизацияловчи воситаларни яратганликлари ва ишлаб чиқаришга жорий этганликлари учун.

7. Лениногорск полиметалл комбинатининг ходимлари — комбинат директори, иш раҳбари Иосиф Михайлович **Малкинга**, старший инженер-конструктор Валентина Николаевна **Бублисга**, ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Дмитрий Сергеевич **Кутузовга**, комплекс бригада бригадири Павел Кириллович **Халинга**, Қозоғистон ССР халқ хўжалиги кенгаши раисининг ўринбосари Вениамин Григорьевич **Березега**, Қозоғистон ССР фанлар академияси кон ишлари институтининг ходимлари — институт директори, техника фанлари доктори Алихон Чужебаевич **Мусинга**, бўлим раҳбари, техника фанлари кандидати Олой Нуспекович **Жақупбоевга**, Зряновск комбинатининг бош инженери Алексей Степанович **Травниковга** — Лениногорск полиметалл комбинати конларида мажбурий блоклаб қулатиш системасини ишлаб чиққанликлари ва жорий қилганликлари учун.

8. «Таллинстрой» трести темир-бетон буюмлар заводининг бош инженери Пауль Рейнхольдович **Вейгелга**, «Челябметаллургстрой» трестининг бошқарувчиси Александр Константинович **Гайдукка**, шу трест қурилиш марказий лабораториясининг ходимлари — лаборатория бошлиғи Тимофей Константинович **Гладковскийга**, экспериментал цех ишчиси Иван Михайлович **Илюхинга**, техника фанлари кандидати, Львов политехника институтининг доценти Юрий Иванович **Лозовойга**, СССР Қурилиш ва архитектура академияси Урал филиали раҳбарининг вазифасини бажарувчи Александр Александрович **Марченкога**, шу филиалга қарашли темир-бетон конструкциялар лабораториясининг ходимлари — раҳбар вазифасини бажарувчи Борис Яковлевич **Рискиндга**, бош инженер вазифасини бажарувчи Валентин Николаевич **Маслиниковга**, СССР Қурилиш ва архитектура академияси экспериментал лойиҳалаш-илмий тадқиқот институтининг бўлим раҳбари техника фанлари кандидати Армен Карапетович **Мкртумянга**, «Главмоспромстрой материал илмий-тадқиқот институти йиғма темир-бетон конструкциялар лабораториясининг мудири, техника фанлари кандидати Эммануил Генрихович **Ратцга** — саноат ва граждан қурилиши учун ишлатиладиган олдиндан зўриқтирилган темир-бетон конструкциялар арматураларини (электр билан қиздириб таранглашнинг янги технологиясини ишлаб чиққанликлари ва ишлаб чиқаришга жорий қилганликлари учун.

9. Краснодар озиқ-овқат саноати институтининг ўқитувчилари — қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Георгий Герасимович **Агабальянца**, техника фанлари кандидати, доцент Артем Арутюнович **Мержанианга**, Москва шампань винолари заводининг директор — бош инженери, техника фанлари кандидати Сергей Алексеевич **Брусиловскийга** — технология процессини автоматлаштирган ҳолда узлуксиз оқим билан шампань винолари ишлаб чиқаришнинг биохимик ва физик-кимё методларини ишлаб чиққанликлари ва саноатга жорий қилганликлари учун.

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

АДАБИЁТ, ЖУРНАЛИСТИКА ВА ПУБЛИЦИСТИКА ҲАМДА САНЪАТ СОҲАЛАРИДА ЭНГ КЎЗГА КЎРИНГАН МУВАФФАҚИЯТЛАР УЧУН ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт ва санъат соҳаларида Ленин мукофотлари комитети адабиёт, журналистика ва публицистика ҳамда санъат соҳаларидаги энг кўзга кўринган муваффақиятлар учун 1961 йилги Ленин мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қилди:

АДАБИЁТ СОҲАСИДА:

1. Александр Андреевич **Прокофьевга** — «Саёҳатга таклиф» шеърлар китоби учун.

2. Михаил Афанасьевич **Стельмахга** — трилогия: «Нон ва туз» романи, «Одам қони — сув эмас» романи, «Улкан қариндош» романи учун.

3. Александр Трифонович **Твардовскийга** — «Ийроқ - йироқлар» поэмаси учун.

ЖУРНАЛИСТИКА ВА ПУБЛИЦИСТИКА СОҲАСИДА:

1. Иоханнес Юрьевич **Смуулга** — «Антарктика сафари кундалиги — муз китоби» учун.

2. Вера Николаевна **Пашенная**га — Давлат академик Малий театридаги «Васса Железнова» ва «Тош уя» спектаклларида Васса Железнова ва кекса уй бекаси Нискавуори ролларини ижро этганлиги учун.

3. Борис Иванович **Пророковга** — «Бу такроланмаслиги лозим» деган суратлар серияси учун.

4. Святослав Теофилович **Рихтерга** — концерт-ижрочилик фаолияти учун.

5. Мартирос Сергеевич **Сарьянга** — «Менинг ватаним» деган картиналар цикли: «Арманистон», «Туманян тоғларидаги Каринж қишлоғининг колхози», «Арарат водийсида пахта терими», «Лалвар», «Арарат водийсининг Двиндан кўриниши», «Араратнинг Двиндан кўриниши», «Бюракан» учун.

6. Режиссёр ва сценарий автори Григорий Наумович **Чухрайга**, сценарий автори Валентин Иванович **Ежовга** — «Солдат қиссаси» бадиий фильми учун.

ЛЕНИНИМИЗ

Ғафур ҒУЛОМ.

Ҳар бурда нон ҳурмати сизни яхши кўрамиз,
Ҳар қултум сув ҳурмати сизни яхши кўрамиз,
Бағримда жон ҳурмати сизни яхши кўрамиз,
Не деяй — сўзим ушбу, сизни яхши кўрамиз.
Бутун Шарқ номидан бу, отахон Ильичимиз,
Сизни яхши кўради Конгодаги бечора;
Сизни яхши кўради қўйлаги бўлмаса ҳам,
Виждони бутун бўлган ҳар дарбадар овора.
Ақлим киргандан буён зеҳнимга ота бўлиб,
Не демоқчи бўлолсам — сизни қилолдим такрор.
Шарқ уфқида ўзингиз — Владимир Ильичсиз,
Байроқда суратингиз — шунинг ўзи эътибор.
Осмонда учган киши — менинг ўзим бўламан,
Бу сизнинг қудратингиз, отахон Ленинимиз.
Ҳатто набирам Мухтор: — Сен кимсан? — деганимда,
Сизни ўзида кўриб, айтадики: — Ленин — биз!
Лумумбанинг қони-ла сатримни ёзмоқдаман,
Сиёҳ деган қорадир — асфатий бу сатрлар.
Кўзим қорачиғида кезмоқда бутун олам,
Ғазабимни қанчалик айтсам ҳам шунчалар кам!
Менинг ўз давлатим бор, давлатим ва партиям,
Гражданлик ҳуқуқим олам аро мустаҳкам.
Солдатлик паспортим бор жаҳон инқилобига,
Шаҳидлик виждоним бор дея қўйсам жуда кам.

СОВЕТ-ПОЛЬША ДЎСТЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА ВА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

МОСКВА, 20 апрель. (ТАСС). Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқлар билан Польша Халқ Республикаси раҳбарлари Владислав Гомулка, Александр Завадский ва Юзеф Циранкевич ўртоқлар СССР билан Польша ўртасидаги дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг 16 йиллиги муносабати билан бир-бирларига табрик телеграммалари юборидилар.

Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўз телеграммасида Совет-Польша шартномаси имзоланганидан буён ўтган урушдан кейинги ўн олти йил Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси халқлари учун энг самарали ҳамкорлик йиллари, қардошларча дўстлик мустаҳкамланган ва яшнаган йиллар бўлди, деб таъкидлайдилар.

В. Гомулка, А. Завадский ва Ю. Циранкевичнинг телеграммасида социалистик интернационализмнинг ленинча принципларига, идеялар ва мақсадларнинг умумийлигига асосланган Польша-Совет муносабатлари 16 йил мобайнида ҳамма соҳаларда тобора кенгайиб ва мустаҳкамланиб борди ҳамда Европанинг тинчлиги ва хавфсизлиги ишида муҳим фактордир, деб таъкидланади.

Улуғ Ленин ғоялари

ЛЕНИН ДАҲОСИНИНГ ЗАФАРИ

Воҳид ЗОҲИДОВ,

«Халқ пуф деса бўрон бўлади, халқ тепинса зилзила», — дейилади мақолда.

ТАРИХНИ яратадиган, тарих ғилдирагини айлантирадиган халқдир. Жамият тақдирини белгилайдиган, ҳал этадиган халқдир. Жамиятга ҳаёт берадиган ва унинг мазмунини ташкил этадиган халқдир. Беқиёс ва беҳад даҳо-ю, маҳоратнинг, инсофу, ижодкорликнинг соҳиби ҳам халқдир.

Бинобарин, халқ билан бирга бўлган, халқ даҳоси ва қудратини, умид ва интилишини ифодалаган, шундай қилиб, ўзи ҳам халққа айланиб кетган, ёмонликнинг йўқолиши ва яхшиликни яратиш қонуниятини ҳаммадан моҳир билган, у билан ҳаммадан моҳир қуролланган гений тарих яратишда, жамият тақдирини ҳал этишда мўъжизалар мўъжизасини кўрсатади.

Ана шу гений Ленин бўлди.

Халқнинг энг ўткир ақл ва нуроний шуурининг, маҳорати ва дилоҳанглигининг, энг комил гўзаллик ва олижанобликнинг жамулжами сифатида Ленин майдонга келди, камол топди. Ҳа, унда рус ва белорус, занжи ва араб, инглиз ва француз, ҳинд ва хитойнинг, умуман барча инсоф эгаларининг, бутун илғор башариятнинг чексиз юксак орзу ва фазилатлари мужассамлашди, умум инсониятнинг асрлар мобайнида яратган, аммо таҳқир ва мағлуб этилиб келган, хаёллардагина ҳаёт бўлиб, авлодлардан-авлодларга ардоқланиб ўтган умидлари, яхши унумдор заминга илдиз отгандек, шу улуғ зотнинг қалби ва фаолиятида, орзу ва таълимотида ўрин олди, шу олий зот туфайли тантана қилди. Сайёрамизда янги тарих бошланди. Бошлангандан бери неча йиллар—яна қандай йиллар денг!—ўтди.

XIX аср охири XX аср аввалига келиб Россия ер юзи мазлумларининг озодлик ҳаракати марказига айланди. 1917 йил охирига келиб инқилобчи миллионлар қони ва қатъияти билан чор ҳамда буржуа истибдоди парчаланди, маҳкумлар ҳоким бўлиб олди. Бу бутун ер курраси ининг бешдан бир қисми ҳисобланган улкан мамлакатни биринчи марта янги йўлга солиб юборди. Бу — бутун дунёда, бутун инсоният турмушида, инсониятнинг эмас, дарё-ю, чўллар ҳаётида тубдан ва беҳад улкан тўнтарилишни бошлаб берди.

Буни ўз вақтида Ленин башорат қилган, «Шундай бўлади, албатта» деган ва уюштирган эди.

Қутирган Антанта хуружи, қон тўла кўзли кулак ёвузлиги, ажал ва хароба символи — свастика таққанлар ҳужуми, янкилар ва улар ҳамтовоқ-ҳамкасбларининг найранглари, тиз чўктиришга уринишлари барбод бўлди. Ўроқ ва болғали ол байроқ Ватанимизнинг пок сиймасида ҳамон ғолибона ҳилпирайди. Бирин-кетин келаётган ҳар кун шу байроқ остига тўпланган миллион-миллионларга бахт орқасидан-бахт, маъмурлик орқасидан мамнунлик, қудрат устига қудрат келтиради. Совет диёри сайёрамизнинг ҳар ери дагги адолат ва осойишталик тарафдорларининг, ақл ва инсоф эгаларининг умидгоҳига, эзгу-орзу истеҳкомига, тилак таянчига айланди.

Озодликка интилувчи халқ йўлини тўсиб бўлмайди; бахт калидини ўз қўлига олган, саодат лазатини тотган халқни енгиб бўлмайди.

Буни ўз вақтида Ленин башорат қилган, «Шундай бўлади, албатта» деган ва шунга асос солган эди.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ қиёфасининг тамомила ўзгарганлиги, машина, маъмурлик ва гул маконига айланганлиги кимга маълум эмас! Ватанимиз индустриал қиёфасининг ҳеч таниб бўлмас даражада бойигани, камолотга эришгани, ҳайқириқлари бутун дунёга эшитилаётган машинасозлик ва нур гигантлари, Ленин номли атом муз ёрари-ю, пўлат қанотли учарлар; минг минглаб озиқ-овқат ва кийим-кечак комбинатлари-ю, қазиб чиқарилаётган беҳисоб ва бебаҳо ер ости бойликлари кимга маълум эмас!

Бир вақтлар аҳолисининг кўпчилиги саводсиз бўлган мамлакатнинг эндиликда фан ва маданиятда бутун дунёни орқада қолдириб кетганлигини ким билмайди!

Буни ўз вақтида Ленин башорат қилган «Шундай бўлади, албатта» деган ва буни бошлаб берган эди.

Яна энг муҳими: бизда янги, социалистик миллатлар, уларнинг ажойиб дўстона оиласи вужудга келди; бизда ўзгача, тарихда кўрилмаган янги тоифадаги инсонлар — совет кишилари тарбияланди, улар илғор инсониятнинг асрий ва энг олий идеали — коммунизмни барпо этмоқдалар. Бунда улар коллективизм, ватанпарварлик ва гуманизм намуналарини, журъат, баҳодирлик ва ижодкорлик мўъжизаларини кўрсатмоқдалар. Улар ўз ҳаётларининг маъно ва мазмунини халқ ва партияга чексиз севги, садоқат билан хизмат қилишда деб биладилар. Улар миллионлардир.

Буни ўз вақтида Ленин башорат қилган, «Шундай бўлади, албатта» деган ва бунга ўзи йўлбошчилик қила бошлаган эди.

Яна энг муҳими: Коммунистик партия давримизнинг ақл-идроки, виждони ва ор-номусидир. Бу партиясиз халқ озодлиги ишининг ғалабасини, коммунизм ғоясининг тантанасини таъмин этиш мумкин эмас. Совет халқининг, «Бутун ғалаба ва ютуқларимизнинг илҳомчиси ҳамда ташкилотчиси партиямизга шон-шарафлар бўлсин!» дейиши ҳаёт ҳақиқатига асослангандир.

Шу партияни Ленин яратди, шу партия шундай бўлади деб Ленин айтди. Шундай бўлди.

ХАЛҚНИНГ кўз ёши ва кишанлар асосига қурилган тузум дунё бўйлаб парчалана бошлади. «Сариқ иблис» қариб-чириб ўсал ҳолга, ўлим талвасаси азоб-ларида чўлғониш ҳолатига етиб келди. Жаҳон социалистик системаси вужудга келди. Бутун инсониятнинг яқин келажаги шу системага мансуб эканлиги назариядагина эмас, амалда аниқ ва аён бўлиб қолди. Бош қонуни ғоратчилик ҳамда ўғрилик, қуллик ҳамда қашшоқлик, вабо ҳамда саводсизлик ҳисобланган ва бир вақтлар дунёнинг аксар қисмида ҳоким бўлган, енгилмасдек кўринган гигант мустамлакачилик чок-чокидан кетди. Қанча-қанчадан мамлакатлар ғаблик ва қамчинидан қон томган келгиндилар зулми ва зуғумидан, зулматидан қутилдилар, қолганлари ҳам асрий эзгу орзу—озодлик ва осойиш томон бормоқдалар.

Буни Ленин ўша вақтлардаёқ башорат қилган ва «Шундай бўлади, албатта »деган эди.

Мана булар Ленин даҳосининг салобати ва қудрати, улуғворлиги ва мўъжизакорлиги, ҳаётийлиги ва ҳаётбахшлигидир!

ЯШАЕТГАН йилимизнинг 12 апрели Ленин ва у яратган партия даҳоси натижаларининг умумлашган оқибати бўлди, шу даҳонинг беўлчов баланд парвози куни бўлди. Бу кун бутун келажакка, бутун одамзодга, бутун тарихга Лениндан ҳайротомуз хотира бўлиб абадул-абад қолади.

Олдин бир нарсани айтиб олай. Одам боласи дунёга келиб ўз-ўзини таний бошлабдики, уни энг катта ҳайрат ва қўрқувга солган нарса сирли осмон бўлди, самодаги пардали қудрат, бепоён зулмат ва ялтироқ жисмлар бўлди. Улкан ақл ва теран хаёл соҳиблари асрлар оша шу фазони сайр этиш, унинг шу пардасини олиб ташлаш, сирлари тагига етиш орзусида бўлди. Лекин...

Ҳар қандай оддий мантиққа кўра, осмон ердан баланд туради. Ўғини айтсам, осмонни «вақмахона»га айлантирган ҳам шу ер бўлди... Бинобарин, осмонни забт этиш учун ерни эгаллаш керак эди. Биринчи бўлиб масалани шундай қўйган ва шундай тарзда ҳал қилган Ленин таълимоти бўлди. 1917 йил «Аврора» замбараклари янграган кундан 1961 йил 12 апрелига қадар Ватанимизда содир бўлган ва юқорида зикр этилган табаддулоту тарих бунинг жонли исботидир.

Ҳа, 12 апрель мўъжизалардан мўъжиза унган кун бўлди. Ленин даҳоси унинг яратган партияси, унинг севган халқи қўли ва қудрати билан коинотга парвоз қилган кун бўлди.

... Ҳар нарсани хаёл қилиш мумкин, хаёл билан ҳар нарсани иҳота этиш ва «бажариш» мумкин, масалан, бир аснода бутун оламни айланиб чиқса бўлади. — хаёл шу даражада зўр. Лекин ҳақиқатда... Ҳа, ҳақиқатда, бир то мондан, имконият қоидасига тўғри келмайдиган хаёл бор, чунончи хаёл қилиш билан Тьяншань тоғларини ер курраси нинг нариги томонига ўтказиб қўяверш мумкин эмас. Иккинчи томондан, шундай хаёл ҳам борки, у қанчалик ҳайротомуз бўлмасин, имконият доирасидадир, ақл талабларига мувофиқдир ва баъзан у шу даражада зўр бўлиб чиқадики, хаёлнинг юқоридаги биринчи туридан ҳам ўзиб кетадиган натижага эришади. 12 апрелда биз умум инсонят тарихида, одам ақли ва даҳоси ҳаётида бунинг биринчи намунасининг шоҳиди бўлдик. Гагарин номли совет одамининг «Восток» деган йўлдош кемада ҳаммаси бўлиб 108 минутда, ҳа, салкам икки соат мобайнида амалий суратда ернинг тортиш қуввати ихтиёридан четга чиқиб, сирли коинотни забт этиб, юлдузлар билан қўл бериб кўришгандай осмонни сайр этиб яна ерга, бунинг устига — белгиланган жойга ва белгиланган вақтда қайтиб тушиши ана шу намунадир. Бу мўъжиза ва улуғворликни қаранг: Қуёш фазода айланади, унинг атрофида Ер айланади. Ернинг атрофини эса Гагарин айланиб чиқди...

ИНСОН ҳеч қачон бундай баланд ва тез учмаган эди; ҳеч қачон бундай сирлар оламида бўлмаган ва уни ўша ердан туриб кўрмаган эди; ҳеч қачон чексиз хилқат — табиат билан, унинг беқиёс қудрати ва «найранг»ги билан бундай олишмаган ва бундай енгмаган эди; ҳеч қачон шу даражада муҳим ва улуғвор қаҳрамонлик кўрсатмаган эди.

БАШАРИЯТ тарихида янги давр бошланганлигидан дарак берувчи бу беқиёс мўъжизанинг бизнинг Ватанда рўй бериши ҳеч тасодифий бўлмай, юқорида айтганимиздек, тамомила қонуниийдир. Бу мамлакат Улуғ Октябрь ҳайқириқлари қўйнида туғилди. Бу ерда ақл ва адолат талабларига мувофиқ янги тузум яратилди. Бу ерда халқ ўз тақдири ва бойлиги жиловини ўз қўлига олди. Бу ерда инсон эркин, унинг фикр ва даҳоси озод. Бу ерда ҳар нарса шу халқ бахти учун, шу инсон осойишталиги учун қилинади. Бу ерда ижтимоий ҳаётнинг ҳар соҳасида нихоят даражада катта ютуқларга эришилди, коммунизм қурила бошлади. Фазони забт этишимиз мана шуларнинг ёрқин ифодаси ва мантиқий оқибати бўлди. Никита Сергеевич Хрушчев шундай дейди, таъкидлайди. У, «Восток»нинг муваффақиятли учирилиши ва қайтиб келиши ҳақида гапираркан, буни Ленинга, Коммунистик партияга, совет халқига нисбат беради. Владимир Ильич номини чексиз эҳтиром билан қайта-қайта тилга олади.

Гагариннинг ўз қаҳрамонлиги ва муваффақиятлари сабабини ўзининг Ленин партиясига мансублигида кўриши бечиз эмас, албатта.

Масаланинг яна бир ўта муҳим томони бор: совет халқи 12 апрелда бир ҳамла билан коинотнинг забт этмади. Шу билан у, инсониятни, унинг ақл ва даҳосини уруш ва олов, қуллик ва қашшоқлик гирдобига ташлашга уринаётган ғарб пулдорларини янада маҳкам жиловлади, тинчликсевар ва адолатпарвар миллионлар дилида янги умид чироғини ёқди.

ЭРТАГИ кунимиз яна ҳам порлоқ ва қудратли. Улуғ ватандошимиз Циолковский айтган эди: «Ер—ақл бешигидир, лекин ҳамиша бешикда яшаб бўлмайди». Бу амалга ошди. Яқин келажакда эса совет одами ҳадсиз коинотнинг яна ҳам баланд сиргоҳларига яна ҳам тез кўтарилажак, юлдузлар оламида комил маҳоратга эга бўлган гаввосдек кезажак.

Лениннинг океандек қудратли ва гўдак табассумидек ёқимли, баҳордек ҳаётбахш ва кўклам манзарасидек илҳомбахш дейдилар. Лениннинг энг юксак гўзаллик тимсоли ва башар қуёши, дейдилар, унинг иши ҳамиша зиё бахш этиш ва шу зиёдан инсон саодатини, башар бахтини яратишдир.

Лениннинг бир олам дейдилар. Ҳа, у, моддий кучга ва ер юзидаги барча миллиардларнинг ирода ҳамда истагига айланиб бутун дунёни ўзгартирмоқда, ақл ва инсоф асосида қайтадан қурмоқда. Асримизни ҳам, инсоният истиқболини ҳам Лениннисиз, унинг таълимотисиз тасаввур этиш мумкин бўлмай қолди.

Ҳар бир ватандошимизнинг олижаноб ишида, ҳар бир ишчимизнинг севинчи ва колхозчининг шодлигида, ақлли машиналарнинг ҳайқириғи-ю, чароғон диёримизнинг нашъасида, ҳар бир бахтиёр боланинг китоби ва қариянинг осудалигида Ленин бор.

Ленин қўлдор ва пулдор янкилар билан олишаётган қубликнинг қудрати ва мададкоридир.

Ленин асорат занжирларига, ирқчилик таҳқирларига ва қашшоқлик тузумига қарши курашаётган негр ва арабнинг ҳамдарди ва раҳнамосидир.

Ленин ўз Ватани, бахти-саодати учун, нон ва адолат учун курашаётган, атом бомбаси ва ҳалокатли урушга қарши олишувда жонбозлик қилаётган инглиз ишчиси-ю, Италия деҳқони дилида бор.

Ленин даҳоси ҳар ерда тантана қилажак, унинг зиёси бутун башар ҳаётини ёритажак. Ленин ҳамиша энг улуғ инсон тимсоли ва намунаси бўлиб барҳаёт қолажак.

В. И. ЛЕНИН трибунада. Рассом А. Герасимов чизган расм.

ШУКРУЛЛО.

ИНСОН

Инсонни куйлайман! Буюксан Инсон!
Буюклик на касбу, на жинсу, ирқда.
Беинсон на кўрку, на завқдан нишон.
Азизсан Инсон.
Инсонсиз бу дунё бўларди саҳро.
Чаманлар, шаҳарлар яратгувчисан.
Бадавий чўлларда қасрлар барпо...
Сенга тасанно!
Дилгир маҳалларда қалбларга малҳам,
Оромбахш куйларни сен яратгансан,
Яшашга ҳавасни уйғотувчи ҳам
Сен, азиз одам.
Ҳаётнинг гашти-ю, ороми, файзи —
Марҳамат, меҳнатинг, яхшилигингдан.
Гўзаллик, ободлик, орзунинг рамзи —
Сен, азиз одам.
Чин инсон дунёни қилади обод.
Яхшилик, марҳамат инсон ҳунари.
Наҳот, инсон қилса ҳаётни барбод!
Бу даҳшат, ҳайҳот!
Патрис Лумумбани ким қилди қатл?!
Пок қалб шоир эди, меҳрибон Инсон.
Қотилни инсон деб атагандан тил
Минг бора кесил!
Вайронлик, ободлик, қон кечиш, тинчлик
Барчаси инсондан, борн инсондан!
Яхшилик, фироқ, дод, оқибат, жондан
Севиш ҳам сендан.
Чин инсон мадҳини куйлайман мангу.
Сендан буюк, азиз ҳаётда не бор!
Гагарин чин инсон нелигини у
Қилди бир кўзгу.
Чин инсон — инсондан аямайди жон.
Инсон фазилати, қадри, ҳурматни
Бир совет кишиси жаҳонга аён
Қилди намоён.
Сен шундай улуғки, қилганда парвоз
Оёғинг остига буюк осмон ҳам
Минг зина паст тушиб, бўлди пояндоз.
Ҳали бу ҳам оз.
Бир деҳқон фарзанди, бошингни осмон
Қилган буюкликни қаердан олдинг?
Қаердан қаноту, шунча шараф-шон
Тополдинг инсон?
Апрелда туғилган Улуғ Ленин ҳам,
Апрелда фазони забт этди инсон.
Қадр, қиймат топди одам — у олам
У туғилган дам.
Фахрга тўл қалбим, ҳайқир, қанотлан!
Ленинча инсоний қудратни куйла!
Ойга учувчининг шарҳига отлан.
Шу қатор ёдлан!

Апрель, 1961 йил.

ЮКСАК НОМ УЧУН

Заводимиз коллективи улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунни тўрт ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан олдин бажариш билан кутиб олди. Меҳнат унумдорлиги бултурги шу вақтдагидан кўра 14 процент, маҳсулот ишлаб чиқариш эса 22 процентдан зиёдроқ ортди.

Бизнинг сменамиз ишчилари икки йилдан бери коммунистик меҳнат бригадаси байроғини баланд кўтариб бормоқда. Улуғ доҳий туғилган куннинг 91 йиллигини тўрт ойлик планни уч ой-ю етти кунда бажариш, 20 минг сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрлаш билан нишонладик.

Партиямизнинг XXII съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, йиллик планни съезд очиладиган кунгача бажариш, йил охиригача эса 70 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашаётирмиз.

Сменадаги 22 киши орасида топчи иккитадан тўрттагача касбнинг устаси. Шу туфайли ҳар киши бир неча киши ўрнида ишламоқда.

Смена ишчилари станоклар ва иш жойларини озода тутиш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, шахсий ҳаётда юксак намуналар кўрсатиш билан ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар.

Корхонамизнинг коммунистик меҳнат шавқ-завқи билан тўлган икки сменаси ва 5 бригадаси ҳамиша илғор. Яқинда яна 3 коллективга шу юксак ном берилди. Эндиликда бутун завод коллективи коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашмоқда.

Бу юксак шарафга, албатта, эришамиз.

П. БОЙКО,
Самарқанддаги В. И. Ленин номли «Красный двигатель» заводининг коммунистик меҳнат сменаси бошлиғи.

ширқни ошириб бажармайдига н и йўқ. Ҳар бир ишчи

НИЯТИМИЗ

Доҳиймиз туғилган кун бутун коллективимизнинг тўйига айланиб кетди. Тўйга зўр ҳозирлик кўрдик.

Коллективимиз тўй арафасида тўрт ойлик планни ортиғи билан бажариб қўйди.

Корхонамиз улуғ доҳий номи билан аталганлигидан биз қанчалик фахрлансак, зиммамиздаги масъулият қанчалик катталигини ҳам ҳис қиламиз. Коллективнинг ҳар бир аъзоси халққа Лениндек садоқат билан хизмат қилиш, Лениндек ишлаш, ўқиш ва яшаш орзуси билан яшамоқда. Буни ҳисобга олиб, фабрикамизни коммунистик меҳнат корхонасига айлантириш учун курашга қўшилдик. Ниятимиз Ленин партиясининг XXII съезди очиладиган шоду ёна кунгача мана шу юксак номга сазовор бўлишдир.

Ж. ЎРИНБОЕВ,
Урганчдаги Ленин номли тикувчилик фабрикасининг директори.

МЕҲНАТ—ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ

Буюк доҳиймиз Владимир Ильич Ленин меҳнат — ҳаётий зарурат эмас, балки ҳаётий эҳтиёж бўлиб қоладиган нурли келажак — коммунизм ҳақида орзу қилар эди. Совет кишиларининг меҳнатга муносабатида коммунизмнинг шу нишоналари тобора яққол сезилянти.

Бунинг энг яхши намунасини коммунистик меҳнат ҳаракати пешқадамлари кўрсатмоқдалар. Бу ҳаракат айрим илғорлар ва бригадалар доирасидан чиқиб, бутун-бутун коллективлар, шаҳарлар ҳаракатига айланиб кетди.

Бизнинг коллективимиз шу ҳаракатга қўшилар экан, ҳамиша ва ҳар ишда Ленин айтганидек иш тутиш, яъни коммунизм қураётган кишиларни ана шу жамиятда яшашга тайёрлашга аҳд қилдик.

Улуғ доҳиймиз туғилган кунда шундай рапорт берамиз: завод йил бошидан бери бир неча юз тонна қўшиндан, шоп-шараф, мардлик ва қаҳрамонлик осмонига кўтарилганининг далили эмасми, бу! Меҳнат социалистик жамият қишиларининг ҳаётий эҳтиёжига айланиб бораётгани, сув ва ҳаводек, ҳаётнинг ўзидек зарур бўлиб қолаётганининг исботи эмасми, бу!

А. ТОШПЎЛАТОВ,
В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия заводининг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи.

АНДИЖОН—КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ШАҲРИ БЎЛАДИ

АНДИЖОН. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Коммунистик меҳнат зарбдори ва коллективи номини олиш учун курашаётган мусобақа илғорларининг шаҳар кенгаши бўлиб ўтди. 1959 йилда Андижонда фақат 800 киши коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун мусобақалашган эди. Ҳозир эса бу номга сазовор бўлиш учун 13 минг га яқин кишини ўз сафига олган 22 корхона, 119 цех, 496 бригада курашмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдорлари 687 кишига етди. Келажак разведкачилари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, айниқса сифатини яхшилашга катта ҳисса қўшдилар. Улар оилада, юриш-туришда ҳам ўзларининг олижаноб хислатларини кўрсатдилар.

Паровоз депосининг Е. Первенцев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари етти йиллик планни 1963 йилдаёқ бажаришга қарор қилди.

Бригада ишчилари қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш жараёнларининг кўп қисмини механизациялаштирдилар, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган кўпгина рационализаторлик таклифларини киритдилар. Натижада паровозларни ремонт қилиш икки-уч ҳисса тезлашди. Бу коллектив сал вақт ичида 22 таклиф киритди. Машинист Василий Куфлин бошлиқ локомотивчилар огир юкли поездларни кўпайтириб, қўшимча 57 минг тонна юк ташидилар. Бригада аъзолари ўз иш тажрибаларини бошқаларга ҳам ўргатмоқдалар. Володарский номли тикувчилик фабрикаси, гидролиз заводи, ёг-мой комбинати, «Коммунар» заводи, 4-қурилиш бошқармаси ва бошқа коллективлар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш, кўплаб хомашё ва материал тежашга муваффақ бўлмоқдалар.

Кенгашда областда биринчи бўлиб коммунистик меҳнат коллективи номини олган Андижон алоқа ва сигнализация дистанцияси коллективининг иши юқори баҳоланди. Бу илғор коллектив Ленин кунлари шарафига социалистик мусобақани қизитиб, ўз зиммасидаги мажбуриятларни муттасил ортиғи билан бажараётир.

Владимир Ильич Ленин коммунистик меҳнат ҳаракатига ғоят юксак баҳо бериб, бу ажойиб ташаббусни кенг ёйиш лозимлигини қайта-қайта уқтирган эди. Буюк доҳийнинг орзуси гўла ушалмоқда. Мамлакатимизда коммунизм қурилаётган шу кунларда мусобақанинг энг олий формаси — коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори номини олиш учун кураш мисли кўрилмаган даражада кенг қулоч ёйди.

Андижон меҳнаткашлари чиқиқликлар бошлаб берган ташаббусга эргашиб, коммунистик меҳнат ва маданият шаҳри номини олишга аҳд қилдилар. Мусобақа илғорлари қабул қилган мурожаатида бундай дейилади:

«Биз шаҳардаги барча корхона, цех ва бригада коллективларини, ишчи ва инженер-техник ходимларни, хизматчиларни келажак разведкачилари сафига ўтишга, азиз Ильич чизиб берган коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли адо этиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилишга чақирамиз!

Н. ҲАКИМОВ.

Унутилмас дамлар

В. И. Ленин туғилган кунинг 91 йиллиги арафасида пойтахтимизнинг Ленин районидаги бир қанча корхоналарининг новатор ва ташаббускор ишчилари Коммунистик партия сафига кирдилар.

«Қизил тонг» фабрикасининг мастери Капитолина Иванова партия билетини олар экан, ҳис-туйғуларини ифода этишга сўз тополмасди. У, Ўзбекистонда Валентина Гаганова ташаббусига биринчи бўлиб қўшилганлардан бири. Ўз хоҳиши билан илғор сменадан қолоқ участкага ўтиб, уни ҳам илғорлар даражасига кўтарди. Ҳозир у бошчилик қилаётган сменага коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ном берилган.

«Автотрактродеталь» заводидаги коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси слесарь С. Затучний, 2-вагон депосининг ишчиси коммунистик меҳнат зарбдори П. Станиславов ўртоқлар ҳам партия аъзолигига кандидат этиб қабул қилиндилар.

— Бугун менинг ҳаётимда катта байрам — деди Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи 2-цехининг мастери Акбар Мирахмедов кандидатлик карточкасини олар экан. — Чунки мен энг илғор кишилар — коммунистлар сафига ўтдим. Бу номга яраша меҳнат қилишга сўз бераман. Ҳозир сменамиз коллективи КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб меҳнат қилмоқда. Ишчилар съезд очиладиган кунни ўн ойлик планни бажариш билан нишонлашга қарор бердилар. Бу ишга мен ҳам муносиб ҳисса қўшаман.

Юрақдан айтилган бу сўзлар Ленин ишига, у тузган Коммунистик партия ишига чексиз содиқликни ифода этади.

Д. КОЗЛОВ.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Ангрен ГРЭС қурувчилари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Юз минг киловатт қувватли олтинчи турбогенератор саноат синовидан ўтказилянти. Бу генераторнинг ишга тушрилиши билан станциянинг иккинчи навбат қурилиши тугалланди. СУРАТДА: Ангрен ГРЭС.

Г. Пун фотоси.

тантана қилмоқда

Нур сочмоқда

Колхозимизга революция бешиги — Ленинград шаҳрининг номи берилган. Улуғ Ленин номи билан аталган қаҳрамон шаҳар меҳнаткашларидек фидокорлик билан меҳнат қилаётган колхозимиз аъзолари жамоат бойлигини йил сайин кўпайтирмоқда, коммунизмнинг моддий базасини яратишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бу йил коллективимиз Олтин китобга ёзилиш учун бошланган ҳаракатга қўшилиб, 1020 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олди.

Ҳамма пахта майдонига чигитни квадрат-уялаб экдик. Уруғнинг бехато униб чиқишида бу катта роль ўйнайди. Ҳозирги кунларда эса барча бригадаларда ғўза парваришi қизғин бормоқда.

Ленин комсомолининг аъзолари, донгдор механизатор қизларимиз Эътиборхон Набиева, Тошхон Маҳмудова чопиқ тракторларини моҳирлик билан бошқармоқдалар. Колхоз аъзоларидан яна уч қиз РТСда механизаторлик касбини эгалламоқда. Бу эса замонамиз талабидир. Чунки колхозимизнинг техника ресурслари йил сайин ортмоқда, ғўза парваришидан кетмон бутунлай сиқиб чиқарилди, ғўза машиналар ёрдамида парвариш қилиняпти. Ҳар биримиз учун қадрдон ва меҳрибон бўлган улуғ Ленин худди шу ҳақда — деҳқоннинг меҳнатини енгиллатиш ҳақида орзу қилган эди.

Доҳий ғоялари амалга ошган замонда яшамоқдамиз. Ленин кўрсатган йўлдан коммунизм сари дадил қадам босиб бормоқдамиз. Чунки улуғ инсон ғоялари нур сочиб йўлимизни равшан қилиб турибди.

Абдусамат ҚУЛДОШЕВ,
Чинобод районидаги «Ленинград» колхозининг раиси.

Қарши навбаҳори

... Қуёш нурларида канал кумуш тасмасимон жилоланиб, худди ялангочланган шамширдек ялтирайди. Унинг икки соҳилида равон асфальт йўл, хиёбонлар. Мана, колхоз қишлоғининг маркази. Фонтандан сув отилиб турибди. Жануб қуёши саратоннинг жазирамасида ерни тандирдек қиздирган эди. Пахтазордан қайтган механизаторлар фонтан атрофида истироҳат қилиб ўтирибдилар. Шу файзли оқшомда фонтандан сачраган биллур томчилар кишига ором бахш этади. Шаббода эсиб, гулзордаги гулларнинг муаттар ҳидини думоғларга олиб келади. Колхозчилар, бир қанча ёш-ялангглар ўртадаги майдончада рақсга тушишмоқда, анаву супачада пахтакорларнинг оркестри ўйнаяпти.

Ҳалиги ҳаёт дарёсидан қон томири сингари панжалаб кетган ариқлардан бепоён пахтазорга, яйловларга, боғ-бўстонларга, анорзор, анжирзор, узумзорларга ҳаёт суви таралади.

Ҳурматли газетхон!

Юқоридаги манзарани бугун Фарғона водийсидаги ёки Зарафшон воҳасидаги колхоз қишлоқларида учратишингиз мумкин. Лекин яқин орада Қарши чўлларида ҳам ана шундай манзарани кўришингиз турган гап. Албатта, унда Ватан харитасидан чўл ўчирилиб, унинг ўрнига боғ-бўстонлар борлигини кўрсатувчи белги қўйилади. Бу узоқ эмас, чунки Қарши чўлининг навбаҳори бошланди.

Улуғ Ленинни халқимиз буюк мироб дейди. Чунки доҳиймиз тузган ва раҳбар бўлган Коммунистик партия, жонажон Совет ҳокимияти халқимизга ер-сув, бахт-саодат берди. Ўтмишда дарёлар бўйида яшар эдик. Лекин ташна, сувга зор эдик. Баҳор келиб-кетаверар эди. Бироқ инсон қалбида, унинг қадрсиз ерида баҳордан нишона қолмасди. Инсон қалбининг баҳори, меҳнаткаш инсоннят қалбининг баҳори улуғ сана — 1917 йилдан, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан бошланди.

«Аврора» крейсеридан отилган тўп садоси замин-замонларни титратганида, Мирзачўлни ҳам, Марказий Фарғона ерларини ҳам, Ёзёвонни ҳам, бепоён Қорақумни ҳам, Қизилқумни ҳам асрий уйқусидан уйғотганди. Буюк нидони «кўзи кўр, қулоғи кар» Жайхун ҳам, Сайҳун ҳам эшитганди.

Улуғ Ленин шарофати туфайли дарёларни жиловлаш, чўлларни гулистан қилиш ҳаракати бошланди. Қирқ тўрт йил бўляпти, бу ҳаракат авж олиб бормоқда. Буюк ҳужум давом этаверади ва бир қарич ҳам чўл қолмайди. Ватан ерлари нуқул боғ-бўстонга айланади.

Бутун халқимиз жонажон партиямизнинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун курашаётган шу тарихий айёмда Қарши чўлига ҳужум кунданкунга кучаймоқда.

Қарши чўли қуёшли республикамизнинг жанубий қисмида. Бухоро билан Термиз ўртасида ёстаниб ётибди. Суви камчил Қашқадарё дарёси ҳисобига анчагина ер суғорилади. 600 минг гектардан ортиқроқ бепоён, баҳри кенг, саҳий ер менинг қўйнимга қачон сув — гавҳар келаркин, деб қадимдан буён кутяпти. Ундан сал нарироқда Бухоро воҳаси бор. Бу ерда ҳам 400 минг гектар майдон ётибди. Агар сув келса, унинг қўйни «оқ олтин» конига айланади.

Қарши чўлининг ташналигини қондириш учун нима қилиш керак? Ўжар Амударёнинг томоғидан хиппа бўғиб, унинг сувини 80-100 метрга кўтариш керак. Бундай катта ишга фақат совет кишисигина, Ойга байроғини тиккан, космик фазони забт қилган баҳодирни тарбиялаб етиштирган совет халқи қодирдир.

Амударё — Бухоро канали қурилади. Қудратли насослар Вахш дарёсида қурилаётган Норак ГЭСидан қудрат олади. Чўл ўзлаштирилгач, Қаршининг баҳори келгач, у ҳар йили Ватан омборига камида 1 миллион 700 минг тонна нақд «оқ олтин» беради. Биз Фарғонанинг мафтунимиз. Лекин қарши гулзорини васф қилиб шеър тўқийдиган вақт ҳам яқин.

Ҳозиргача Қарши чўлини ўзлаштириш учун анча иш қилинган. Чунончи, эски Ангор канали қазилиб, Зарафшон дарёсининг ҳаётбахш суви чўл қўйнига кириб келди. Косон чўлларида Энгельс номли колхоз бор. Ана шу колхоз 500 гектар ер ўзлаштирди. Бултур ўртоқ Бобоқул Қўлдошев бригадасида гектаридан 43 центнердан ҳосил олинди. Ўйлаб кўринг: қуш учса каноти, одам юрса оёғи куядиган кечаги чўл ўз қўйнини қанчалар кенг очяпти. Чунки совет кишисининг қўлида ҳосилнинг олтин калиди—қудратли техника бор. У икки улуғ дарёни — тажриба ва фан ютуқларини пайванд қилиб, меҳнатнинг оғирини техниканинг елкасига ортган, ишнинг қўзини биладиган деҳқон. Катта сув очилгандан кейин биргина Косон районида капитал маблағ сарф қилмасдан 27182 гектар майдон экинзорга айлантирилади.

Бешкент районидаги «III интернационал» колхози бултур 900 гектар ерга чигит экди. Бу йил пахта майдони 1000 гектарга етди. Янгидан 800 гектар майдон ўзлаштирилди. Агроном Авазмурод Бердиев, турсунойчи Ҳумор Тошева, механизатор Зиёдулла Маманазаров ўртоқлар бошлиқ комплекс механизациялашган бригадалар чигитни барвақт экиб бўлди. Чўл баҳрига тушган сара уруғ униб, ғўза бош кўтариб қолди.

Қарши чўлининг навбаҳори бошланди. Халқимиз Ленин номини дилига жо қилиб, чўлни чекинтиряпти, янги ер очяпти, боғ қиляпти. Чунки, мангу барҳаёт Владимир Ильич дарёларни жиловлашда мададкор миробимиз, боғларни яшнатишда илҳомчи боғбонимиздир. Биз унинг меҳри билан яшаймиз.

Ҳамид НУРИЙ.

Қорақалпоғистон АССР. Тўртқўл районидаги Дмитров номли колхознинг Ойтим Оллеков бошлиқ 10-бригадаси аъзолари чигитни квадрат уялаб экишяпти. Пахтакорлар бу йил ҳар гектар ердан 41 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. **Суратда:** Дмитров номли колхознинг 10-бригадасида чигит экиш пайти.

Н. Довқораев фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).

СУРАТДА: коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси, «Чирчиксельмаш» заводининг илғор қуювчиси Йўлдош ЭРГАШЕВ. У смена топшириқларини доимо ошириб бажаради.

И. Глауберзон фотоси.

МЕН ЛЕНИННИ КЎРГАНМАН

«Она» — дедим очиб кўз,
«Отам» — бўлди илк сўз,
Улуғ бобом Ленининг номин айтолдим бурро.
Энг муътабар одамни —
Забардаст бир оламни
Худди она сутидек юрагимга қилдим жо.

Ҳа, унинг номи билан,
Қалбимда борим билан,
Тақиб қизил галстукни қилган эдим қасамёд.
Улуғим — Ленин учун
Бағишлаб онгим, кучим,
Ленинчи авлодларга хизмат қилгум умрбод.
Катта Қизил Майдонда
Халқ оқар ҳар томондан;
Ленининг ҳузурига келган қавм-қардошлар.
Шу пўлат қатордаман,
Ва илгари бораман,
Мен босган издан келар негр, араб...
сафдошлар.

Мен Ленинни кўрганман,
Мен Ленинни кўрганман,
Бахт отаси — Ленинни кўрганлардан бириман.
Мен қолмадим армонда,
Мен бахтлиман жаҳонда,
Шодлигимни бўлашгин, юракдошим, дилгинам.

Буюк ҳис оғушида,
Чиқиб Ленин қошидан,
Олам кўзга кўринди яна ҳам кенг, ёрқиноқ!
Доҳиймизнинг онгидан
Нур эмиб алвонланган,
Озод юртим қадрига етдим, етаман ҳар чоқ!

Гулчеҳра ЖУРАЕВА.

ЛЕНИН ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

Инсониятнинг буюк доҳийси В. И. Ленин Шарқ халқларининг меҳрибон дўсти, уларнинг порлоқ келажаги учун, бахти учун қайғурган, ғамхўрлик қилган буюк инсон эди. У Шарқ халқларини зулмдан, асоратдан халос қилишнинг ўзигина кифоя қилмаслигини, меҳнаткашларнинг янги дунё — социализм барпо этишлари учун илм-маърифатнинг нақадар зарурлигини олдиндан кўра билди.

Гражданлар уруши давом этиб турган, ички ва ташқи душманларнинг ҳуружи кучайган оғир бир давр — 1920 йилнинг кузида В. И. Ленин «Тошкентда Туркистон давлат университети таъсис этилсин» деган тарихий декретга имзо чекди. Бу билан Шарқдаги улкан маърифат машъали ёқилди. Партия ва ҳукуматимизнинг чақириғи, улуғ Ленин йўлланмаси билан кўплаб олимлар «Ленин поездлари» деб ном олган махсус поездларда Тошкентга, Туркистон давлат университетига ишлаш учун келишди. Шулар қаторида мен ҳам бор эдим.

Дастлабки кунларда ишимиз анча оғир эди. Университетда ўқишга маҳаллий миллат вакилларини жалб этишда анчагина эски урф-одат қолдиқларини енгиб ўтишга тўғри келди.

Университетимизнинг ҳозирги қиёфасига бир назар ташланг! Азиз доҳий номи билан аталиб келинаётган бу муқаддас илм даргоҳидан қирқ йил мобайнида қанчадан-қанча мутахассислар, олимлар, зиёлилар етишиб чиқди. Халқ хўжалигимизнинг қайси бир соҳасини олманг, шу билим ўчоғида таълим олиб чиққан кишиларни кўрасиз. Улар мамлакатимиз фани, маданиятини тобора гуллабяшнатиш, халқ хўжалигимизнинг янада равнақи йўлида улуғвор ҳисса қўшмоқда. Университет тарбиялаб етиштирган кўплаб олимлар, маданият ва санъат арбобларининг номи оламга машҳур.

Ҳозир университетнинг ўнта факультетида 6 минг студент ўқияпти. Улар ўттиздан ортиқ миллат фарзандларидир. 450 кишидан ортиқ профессор ва ўқитувчилар коллективи 27 ихтисос бўйича мутахассис тайёрлашяпти.

Университет эндигина иш бошлаган пайтдаги бир воқеани эслайман. 1924 йилнинг охирида академик А. Е. Ферсман раҳбарлигидаги минеролог олимлар Бурчмуллага экспедицияга чиқмоқчи бўлдик. Биз тушган юк машина шаҳардан чиқибоқ, лойга ботиб қолди. Биз аравага тушиб йўл олишга мажбур бўлдик.

Эндиликда аравалар қайтмас бўлиб ўтмишга кетди. Совет фани, техникасининг мисли кўрилмаган ривожи, инсон тафаккурининг тантанаси сифатида космик фазога биринчи инсон парвоз қилди. Инсоният тарихида янги давр очилди. Зулм ва асорат занжирида инграб келган хорижий Шарқ — Осиё ва Африка халқлари уйғонди. Бу оламшумул-тарихий ишларда улуғ Ленин декрети билан таъсис этилган Туркистон давлат университети ҳам муносиб роль ўйнади.

Ҳа, чиндан ҳам улуғ Ленининг башорати амалга ошди. Ўзининг порлоқ самараларини берди.

А. С. УКЛОНСКИЙ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

ЗАВОД МУЗЕЙИДА

Москвадаги Владимир Ильич номли завод музейига шу кунларда жуда кўп экскурсантлар келмоқдалар. Завод музейини келиб кўрувчилар ёзиб қолдирган ёзувлар орасида бу корхонада В. И. Лениннинг бир неча марта бўлганлигини эслатувчи кўпгина сатрлар кишини ҳаяжонлантиради.

В. И. ЛЕНИНГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ

ЧИРЧИҚ, 20 апрель. (ЎзТАГ). Чирчиқ шаҳар партия комитети ҳамда Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг бўлими В. И. Ленин туғилган куннинг тўқсон бир йиллигига бағишланган назарий конференция ўтказди.

Конференцияда ишчилар, техниклар, инженерлар, партия, совет ва хўжалик ходимлари, пропагандистлар қатнашдилар. «В. И. Ленин янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун социалистик мусобақа ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг аҳамияти тўғрисида», «Партия турмушининг ленинча принципларига қаттиқ риоя қилиш — Коммунистик партия фаолиятининг қонуни», «В. И. Ленин социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисида» деган темаларда докладлар қилинди.

УЛУҒ ДОҲИЙ БАШОРАТИ

Совет мактабининг ҳар бир ютуғи, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларнинг бариси доҳий номи билан чамбарчас боғлиқ. Зотан бугун Ленин ғоялари тантана қилмоқда, Ленин кўрсатмалари тўла амалга оширилмоқда.

Бундан салкам ярим аср муқаддам улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин ёш авлодни ўқитишни ижтимоий фойдали меҳнат билан қўшиб олиб бориш йўли билангина коммунизмнинг актив қурувчиларини тарбиялай оламиз, деб башорат қилган эди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, мактабни турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисида жуда муҳим тадбирларни кўрди. Мактабни қайта қуриш тўғрисида қонун қабул қилинди. Бунда меҳнатни ҳар бир йигит ва қизнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантириш, ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Шуни айтиш кифояки, халқ маорифи системасини қайта қуриш тўғрисидаги қонун амалга оширила бошланганидан кейинги икки йил мобайнида жуда катта ўзгаришлар бўлди. 1959 йилдан олдинги йигирма йил давомида республика мактабларида синф хоналари сони қанчага кўпайган бўлса, кейинги икки йил мобайнида шунча янги синфхона очилди. Ҳозир Ўзбекистондаги 6335 мактабдан 5855 тасида қўнғироқлар фақат эрталаб чалинмоқда. Бу тадбир ўқув-тарбия ишлари савиясини тубдан яхшилашга, ўзлаштирмовчи ўқувчилар билан кўпроқ иш олиб боришга, тўгарак ишларини жонлантиришга, энг муҳими, мактабларда меҳнат таълимини намунали йўлга қўйишга имкон берди.

Коммунистик партия ташаббуси билан ташкил қилинган ва халқ ҳурматига сазовор бўлган мактаб-интернатлар тармоғи кун сайин кенгаймоқда. Фақат кейинги бир йил мобайнидагина мактаб-интернатларда ўқувчилар сони икки баравар кўпайди. Ўтган йилнинг ўзида янгидан 44 мактаб-интернат очилди. 1961 йил давомида мактаб-интернатлар тармоғи янада кенгайтирилади, ўқувчилар сони ҳозирги 20.500 кишидан йил охиригача 40000 га етказилади.

Болаларга ёшликдан касб-ҳунар ўргатиш, уларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистонда ҳозир мингдан ортиқ куни узайтирилган мактаб ва группалар ишлаб турибди, буларда 27000 дан ортиқ ўқувчи кун давомида тажрибали ўқитувчилардан таълим-тарбия олмоқда. Куни узайтирилган мактаб ва группалар сонини янада кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Эндиликда республикамизда таълим устахонаси бўлмаган бирорта мактабни учратиш қийин. Колхоз ва совхозларда ўз ишларини самарали ташкил этган ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг сони тобора кўпаймоқда.

Ҳозир республикада 25000 дан ортиқ бола ўқиётган 542 ўрта ишлаб чиқариш таълими мактаби ишлаб турибди. Булардан 329 таси қишлоқларимизда жойлашган. Бундай мактабларда ўқувчилар қиқидан ортиқ мутахассислик бўйича ҳунар ўрганмоқдалар. Улар металлургия саноати, бинокорлик саноати, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаш учун пухта ҳозирлик кўраётган меҳнатсевар ёшлардир. Ишлаб чиқариш таълими берадиган бундай мактаблар ҳар йили кўплаб ишчилар етказиб бермоқда. 1961 йилнинг охиригача ишлаб чиқариш таълими берадиган мактаблар сонини мингга етказиш мўлжалланмоқда.

Ёшларимизнинг меҳнатсевар, иш билармон ва билимдон бўлиб етишувларига завод, фабрика ва қурилиш ташкилотларининг ишчилари, совхоз ишчилари ва колхозчилар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шуни айтиш кифояки, шу кунларда 170 дан ортиқ саноат корхонасида, 64 совхоз, колхоз ва РТС базасида ишлаб чиқариш таълими олиб борилмоқда.

Совет ёшларини ана шундай тарбиялашни Ленин башорат қилган эди. Бугун Ленин ғоялари ёшларимизнинг порлоқ йўлига нур сочиб турибди.

Ф. НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети маориф, фан ва маданият бўлимининг мудири.

Қалбимизда абадий яшайди

МЕҲРИБОН УСТОЗ

Ўтмишда жабр-жафо тортган, хурофот исканжасида эзилган бизлар, озодлик нурини ато этган В. И. Ленин номини ҳамиша зўр ҳурмат билан эсда сақлаймиз. Доҳий раҳбарлигидаги Октябрь революцияси бизга бахт ва саодат берди, бизни янги ҳаёт йўлига олиб чиқди.

Биз, энди анча кексайиб қолдик, лекин ҳаётимизда юз берган кўп воқеаларни эслай олмасак ҳам, буюк Ленин билан учрашганимиз, суҳбатда бўлганимиз, унинг қуёшдай порлаб турган чеҳрасини кўрганимиз ҳамон ёдимизда, чунки бу биз учун буюк бахтдир.

Москвада бир ҳафтадан ортиқроқ саёҳат қилган эдик, кўп нарсани кўрдик. Сафаримизнинг охирги куни доҳийни кўриш иштиёқида Советлар уйининг ҳовлисида тўпланиб турган эдик. Вакилларимиз Лениннинг биз билан учрашишга рози бўлганини билдирдилар.

Шу чоқ ўрта бўйли, оддий кийинган киши ҳаққонлик билан биз томон кела бошлади. Бу — улуғ Ленин эди. У бизга ёқимли овоз билан «Салом, Сизга. Совет Шарқининг пешқадам хотин-қизлари!» деди. Биз ҳам баравариг ва ҳаяжонланиб доҳийга салом бердик, кўпларимиз отамиз билан қучоқлашиб кўришдик, доҳийни олкишладик.

Ильич бизларни шахсан ўзи номидан ва РСФСР Халқ Комиссарлар Совети ва РКП(б) Марказий Комитети номидан чин қалбдан табриклади:

— Сизларнинг Москвада бўлишингиз революциямиз ғалабасининг ёрқин далилидир. Сиз ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қатнашишга киришибсиз, бу биринчи қадам яхши. эндиликда ўз атрофингизга ўлкангиздаги барча хотин-қизларни ҳам жипслаштиришингиз, уларни социалистик қурилишга тортишингиз, коммунистик асосларда янги ҳаётни ташкил этишингиз ва уюштиришингиз керак. Бу зўр ва бебаҳо куч бўлади.

Владимир Ильич билан қизғин ва мароқли суҳбат бошланди. У биздан ўлкадаги аҳвол ҳақида сўради. Биз эса, навбатма-навбат Ўрта Осиё хотин-қизларининг ўтмишдаги аянчли аҳволи, Октябрь революциясидан кейинги бахтли турмушидан доҳийга сўзлаб бердик.

Сўнгра, Ленин бизни «Социалистик тузумнинг Шарқда очилган дастлабки қизил гуллари» — деб атади ва хотин-қизларни ўтмиш сарқитларидан озод қилишдан, уларни коммунистик қурилишга кўпроқ жалб қилишдан иборат бўлган асосий вазифамизни бажаришда муваффақиятлар тилади ҳамда Совет Шарқи хотин-қизларига, жумладан ўзбек хотин-қизларига қизғин ва самимий салом топширишни сўради.

Биз доҳиймизга: «раҳмат!» делик ва режасини сиз чизиб берган йўлдан борамиз деб, уни қатъий ишонтирдик.

Суҳбат тугагач. қадрли Ленин биз билан хайрлашиб. Кремль томон йўл олди. Ана шу учрашувга салкам қирқ йил бўлди. Шу давр ичида Ленин ғоялари тантана қилди.

Роза ШЕРЕШЕВСКАЯ.

Туркистонда гражданлар уруши ва хотин-қизларни озод қилиш ҳаракатининг қатнашчиси, кекса коммунист.

АЖОЙИБ УЧРАШУВ

1905-1907 йиллари марказий шаҳарлардан, Бокудан Самарқанд ва Каттақўрғонга бир неча большевик-революционерлар келишган эди. Улар бизга В. И. Ленин раҳбарлигила тузилган большевиклар партияси, бу партиянинг меҳнаткаш халқимиз келажаги учун олиб борилаётган курашга бошчилик қилаётганини сўзлаб беришар эди. Мен, оддий агитатор сифатида бу сўзларни каттақўрғонлик ҳамшаҳарларимга сўзлаб берардим. Ленин тўғрисида ҳикоя қилганимда, ўзимни Ильич билан энг яқин кишидай, унинг топширигини бажараётгандек сезардим.

Ўша пайтлаёқ доҳийни кўришни орзу қилган эдим. Бу орзум Октябрь революцияси туфайли амалга ошди. Октябрь ўзбек меҳнаткашларининг вакилидан бири бўлган менга ўқиш. Лениничнг порлоқ сиймосини кўриш. ундан маслаҳатлар олиш имкониятини берди.

1920 йилнинг декабрь ойи. Бошқалар сингари мени ҳам советларнинг VIII Бутунроссия съездига делегат қилиб сайлашди. Съезддан бир кун илгари В. И. Ленин съезднинг РКП(б) фракцияси мажлисида концессия ҳақида сўзлаган эди. Мен бу ерда улуғ Ленинни биринчи марта кўрдим. Бу мен учун катта бахт эди, чунки менинг орзум рўёбга чиққан эди.

Мана, минбарга сергайрат ва бардам киши кўтарилди. «Ленин!» деган сўзлар янграб эшитилди, денгиз тўлқини каби делегатларнинг давомли қарсаклари Ленинни олқишлар эди.

Ильичнинг камтарлиги унинг сўзлари ва ҳаракатидан ҳам кўриниб турарди, нутқи жуда таъсирли эди.

Съезднинг биринчи мажлиси В. И. Лениннинг Халқ Комиссарлар Советининг фаолияти ҳақидаги доклади билан бошланди. Совет Туркистонининг делегатлари партиямиз ва Совет ҳукуматининг Шарқда олиб борган муваффақиятли сиёсати туфайли Хоразм ва Бухоро Халқ Совет республикалари тузилганлигини яна бир марта эшитиб бениҳоя хурсанд бўлишган эди. Чунки, Совет Туркистонидан келган деярли барча делегатлар Бухоро ва Хева халқларини озод этишда актив қатнашган эдилар.

В. И. Ленин ўз докладида партия ва Совет ҳукуматининг мамлакатни электрлаштириш — машҳур ГОЭЛРО планини амалга оширишдаги вазифалари тўғрисида гапирди. У бу планни Коммунистик партиянинг иккинчи программаси, деб атади.

Лениннинг донолик билан айтган фикрлари амалга ошди. Серқуёш Ўзбекистонда ГОЭЛРО планидан буён электр қуввати ишлаб чиқариш 1200 мартадан зиёд кўпайди.

Советларнинг VIII съездида, нотиқларнинг нутқи, айниқса Владимир Ильичнинг жозибали сўзлари биз туркистонликлар учун ҳам ажойиб мактаб бўлди. Съезднинг тарихий қарорлари асосида биз яна бир марта чуқур ўйлаб, олдимизда турган вазифаларни бажариш учун жавоб топа олдик.

Шонли партиямизнинг асосчиси, йўлбошчимиз, кишилликнинг буюк генийси Ленин туғилган куни мен ҳам зўр эҳтирос билан ёдлайман.

Дўстмуҳаммад УСТАБОЕВ,
1918 йилдан бери КПСС аъзоси, Туркистон АССР нинг собиқ Адлия халқ комиссари, пенсионер.

МИРЗАЧЎЛНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



Халқимиз улуғ Ленин васиятларини амалга ошириб, Мирзачўл ерларини ўзлаштирмоқда, унинг асрий чанқаб ётган ерларига сув чиқармоқда, Мирзачўлни «оқ олтин» водийсига, боғ-бўстонга айлантирмоқда. СУРАТДА: Янгиер шаҳрида қурилган уй-жой бинолари.

И. Глауберзон фотоси.

КУБАДАГИ ИНТЕРВЕНЦИЯ БАРБОД БУЛДИ

«ЛЕНИН ЧЕТ ЭЛЛАРДА» ВИСТАВКАСИ

«Ленин чет элларда» — Чет тиллар адабиёти Бутуниттифоқ давлат кутубхонасида ташкил этилган виставка ана шу темага бағишланган. Виставкадаги материаллар Ленининг номи бутун Ер юзидаги миллионлаб кишиларнинг қалбида яшаётганлигидан далолат беради. Мана Ильичнинг биографияси. Бу китоб инглиз ва немис, болгар ва япон, поляк ва хитой, чех ва француз ҳамда бошқа кўпгина тилларда нашр этилган. В. И. Ленининг Англия, Германия, Франция, Польша, Чехословакия, Швейцария, Финляндияда бўлганлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи фотографиялар, айниқса қизиқарлидир.

В. И. ЛЕНИН БИОГРАФИЯСИ РУМИНИЯДА НАШР ЭТИЛДИ

БУХАРЕСТ, 19 апрель. (ТАСС). Руминия Халқ Республикаси давлат сиёсий адабиёт нашриёти В. И. Ленин биографиясини рус тилидан таржима қилиб, нашр этди. Китобда биографик маълумотлардан ташқари, буюк доҳий замондошлари ва сафдошларининг хотиралари ҳам бор.

КАТТА ТАНТАНА

НЬЮ-ЙОРК, 20 апрель. (ТАСС). «Кубага бостириб кириш барбод бўлди.

Бу воқеа Фидель Кастро ҳокимият теппасига келгандан буён унинг жуда катта тантанасидир,» — деб хабар қилди Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги.

Агентлик шуни кўрсатиб ўтадики, туширилган исёнчилар радиосининг овози кеча кундузи соат 3 дан 30 минут ўтганда тинди ва Майамидаги эмигрантлар доиралари Кастрога қарши бўлган беш минг кишилик отряд йўқ бўлиб кетса керак, деб тан олдилар.

КУБАДА КОНТРРЕВОЛЮЦИОНЕРЛАР ОТИБ ТАШЛАНДИ

ГАВАНА, 19 апрель. ТАСС мухбири Н. ЧИГИРЬ хабар қилади:

Пинар-дель-Рио вилояти революцион трибуналининг ҳукмига мувофиқ, 19 апрель эрталаб 9 контрреволюционер, шу жумладан икки американинг отиб ташланган. Улардан беш киши революцион ҳокиматга қарши қўпорувчилик ишларини олиб борган учун яширин тарзда Кубага ерига туширилган эди. Лекин улар Куба хавфсизлик органлари томонидан қамоққа олинган. Қолган тўрт контрреволюционер Кубада ҳаракат қилаётган контрреволюцион шайкаларга қурол-яроғ етказиб беришни ташкил этган.

УМУМИЙ ШОД-ХУРРАМЛИК

ВАРШАВА, 20 апрель. (ТАСС). Кубада интервентлар тор-мор келтирилганлиги ҳақидаги хабар халқ Польшасида умумий шод-хуррамлик туғдирди. Бу хабар дарҳол ҳамма ерда тилга олина бошланди. Саноат корхоналарида, муассасаларда, кўчаларда, трамвайларда, троллейбусларда ҳам шу ҳақда гап борар эди. Ҳамма якдиллик билан: ўз тақдирининг эгаси бўлган халқ енгилмасдир деган фикрни билдирар эди. Куба халқи галаба қилди. Тинчлик ва тараққиёт кучлари уруш ва агрессия кучларидан зўр чиқди. Мудҳиш агрессиянинг ташкилотчилари ва илҳомлантирувчилари, Америка империалистларига муносиб зарба берилди.

Кубанинг Варшавадаги элчихонаси номига кўпдан-кўп телеграммалар келмоқда. Польша меҳнаткашлари бу телеграммаларда қаҳрамон Куба халқини галаба билан қутламоқдалар, ўзининг тўла бирдамлигини унга изҳор қилмоқдалар.

ЯНА БОМБАЛАР ТУШМОҚДА

ТОКИО. (ТАСС). Яманаси префектураси устида учиб борган Америка реактив қирувчи самолётидан яна икки бомба тушиб кетди. Бомбаларнинг биттаси Оцуки шаҳридаги ун заводига, иккинчиси деҳқон даласига тушди. Бомбаларнинг портлаши эҳтимолидан қўрқиб, полиция бомбалар тушган районни қуршаб олди.

Японияннг аҳоли яшайдиган пунктларига Америка бомбалари тушиш ҳолларининг кўпайганлиги маҳаллий аҳоли ўртасида ғазаб туғдирмоқда. Чунки аҳолининг ҳаёти ва мол-мулки доимий хавф остида қолиб келмоқда. Яманаси префектурасидан хабар берилишича, жамоат ташкилотлари ва префектура аҳолиси Америка ҳарбий самолётларининг Япония устида хатарли учишларига хотима берилишини талаб қилмоқдалар.

ЛАОСДА ЖАНГЛАР

ХАНОЙ. (ТАСС). Патет-Лаонинг жанговар отрядлари сўнгги кунлар ичида Жанубий Лаосда аҳолига қарши жазо операциялари ўтказган исёнчиларга бир қанча кучли зарбалар бердилар.

Патет-Лао овози радиосининг берган хабарига қараганда, 15 апрелда ватанпарварларнинг отрядлари Ньом-Мапата районида исёнчилар бўлинмасининг йўлини кесиб қўйганлар. Исёнчиларнинг ваҳимага тушиб қолган гарнизони Такека томонига шошилинч суратда чекинган. Маҳаксайда ҳам исёнчилар гарнизони қуршаб олинишдан қўрқиб қочиб кетган. Патет-Лао отрядлари чекинаётган исёнчиларни қувлаб бормоқдалар. Иккита ҳарбий юк машинаси ва бир неча миномёт ўлжа олинган. Душманнинг кўп солдатлари Патет-Лао қўшинлари томонига ўтган.

* * *

ЛОНДОН, 19 апрель. (ТАСС). Бугун Фуми Носаван-Бун Ум «ҳукумати» Лаосга бир гуруҳ ҳарбий мадад ва ҳарбий маслаҳатчилар юборишни илтимос қилиб Қўшма Штатларга мурожаат этди.

Рейтер агентлиги Вьентьян мухбирининг хабар беришича, ташқи ишлар министри Тао Сопсайсана бундай деган: «Ҳукумат» бундай илтимос билан шу сабабли мурожаат қилдики, «кейинги 24 соат ичида барча уруш фронтларида жиддий вазият вужудга келган».

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

⊙ Совет балет усталарининг Туркиядаги биринчи концерти зўр муваффақият билан ўтди. Анкарадаги концертлар 24 апрелгача давом этади, сўнгра совет артистлари Истамбулга жўнаб кетадилар.

⊙ Евг. Вахтангов номли давлат академик театри кеча парижлик томошабиларга А. Арбузовнинг «Иркутск қиссаси» пьесасини кўрсатди. Спектакль тугагандан кейин театрнинг бош режиссёри Р. Симонов матбуот конференцияси ўтказди. У бу конференцияда театр коллективининг ижодий ишлари тўғрисида сўзлаб берди, шунингдек Совет Иттифоқининг театр ҳаётига доир кўпгина саволларга жавоб берди.

⊙ Будапештда Венгрия билан Руминия ўртасида шу йилда ўзаро товарлар етказиб бериш ва тўловлар тўғрисида протокол имзоланди. Венгрия Руминияга машиналар ва асбоб-ускуналар, алоқа воситалари, приборлар, транспорт махсус воситалари, пўлат прокати, алюминий, дори-дармонлар, тўқимачилик ва бошқа товарлар етказиб беради. Руминия ва Венгрияга тракторлар, темир йўл юк вагонлари, станоклар, табиий газ, ёғоч-тахта, кимёвий товарлар ва кенг истеъмол товарлари етказиб беради.

⊙ Австралия врачларининг катта бир группаси самолётда Сиднейдан Совет Иттифоқига учиб кетди. Австралиялик мутахассислар СССРда совет касалхоналари, клиникалар ва бошқа медицина муассасаларини ўнг ишлари билан танишадилар. Делегациянинг бу сафари Австралия—Совет дўстлиги жамияти томонидан ташкил қилинган эди.

АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК СЕКЦИЯСИДА

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи адабий танқид секциясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Йиғилишда «КПСС XXII съезди арафасида Ўзбекистонда адабий танқиднинг аҳволи ва вазифалари» масаласи муҳокама қилинди. Бу масалада доклад қилган филология фанлари доктори Иззат Султонов, филология фанлари кандидатлари Т. Собиров, Н. Маллаев, Д. Я. Вифлеемский, С. Мамажонов ўртоқлар ва музокарага чиққан танқидчи, адабиётшунос ва ёзувчилар ўзбек танқидчилиги олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапирдилар.

Янги чиқаётган бадиий асарларни тарғиб қилиш, уларга танқид ва таҳриз ёзиш билан бирга, адабиётнинг умумий масалалари бўйича проблематик мақолаларни кўпроқ ёзиш, бундай материалларни алоҳида тўплам қилиб чиқариш, танқидий асарларни ўқимишли ёзиш алоҳида таъкидланди. Шунингдек, йиғилишда адабий-танқидий материалларнинг газета ва журналларда ёритилиши, радио ва телевидение орқали эшиттирилиши масалалари ҳам гапирилди.

Йиғилиш ишида республика областларидан ҳам адабиётчилар қатнашди.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

САМИМИЙ ДЎСТЛИК ЁРДАМИ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). **Улан Баторда Мўғулистон Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида Москвада олиб борилган музокараларнинг якунларига бағишланиб, Мўғулистон Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси, Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Совети ва Буюк халқ хурали президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.**

Мўғулистон Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Министрлар Советининг раиси ўртоқ Ю. Цеденбал олиб борилган музокараларнинг якунлари тўғрисида ҳамда Мўғулистон Халқ Республикаси ва СССР ҳукуматлари ўртасида тузилган битим тўғрисида батафсил ахборот берди. У, Совет Иттифоқи бераётган ёрдамининг мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш янги беш йиллик планини амалга оширишда, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини юксалтиришда ғоят катта роль ўйнашини сўзлаб берди ҳамда КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва шахсан Н. С. Хрушчевнинг Мўғулистон Халқ Республикасида социализм қурилишига ғоят катта ғамхўрлик ва эътибор бераётганлигини алоҳида таъкидлади.

Мажлис қатнашчилари ўртоқ Ю. Цеденбал бошчилигидаги Мўғулистон ҳукумат делегациясининг фаолиятини маъқулладилар ва халқ номидан КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевга ва бутун совет халқига Мўғулистон Халқ Республикасида социализм қурилишида кўрсатаётган қардошларча, бегараз ёрдам учун самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар.

КЕННЕДИ ЎЗ ПЛАНИНИ ЎЗГАРТИРДИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 апрель. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги Вашингтондан хабар қилади:

Бугун Оқ уйда хабар қилинишича, президент Кеннеди шу ҳафтанинг охирги кунларини АҚШ нинг Атлантик флоти кораблида Флориданинг шарқи-шимолий соҳилларида ўтказиш ҳақидаги планидан воз кечган. Бунинг ўрнига у пойтахтда қолади ва бир қанча кенгашлар ўтказади.

БАСУТОЛЕНДДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

ЛОНДОН, 20 апрель. (ТАСС). Англиянинг Жанубий Африкадаги Басутоленд протекторатининг маъмурий маркази — Масеру шаҳрида полиция африкаликлардан 24 кишини қамоққа олган.

Рейтер агентлигининг билдиришича, бу африкаликлар сиёсий митингда иштирок этганликлари учун қамоққа олинганлар. Уларнинг ҳаммаси «жамоатчилик тартибини» бузишда айбланганлар.

КУБА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Фидель Кастро бошлиқ куба халқ армияси 1959 йилнинг 1 январида Куба пойтахти Гаванани озод қилиб, Америка малайи Батиста ҳокимиятини ағдариб ташлади.

Кубада халқ революцияси галаба қилгандан буён икки йилдан сал кўпроқ вақт ўтди, ана шу қисқа муддат ичида мамлакатда жуда катта сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар юз берди.

1960 йилда мамлакатда аграр реформа тамомланди. 1500 дан ортиқ қишлоқ хўжалик кооперативлари ва бир неча юз давлат қишлоқ хўжалик имениялари ташкил топди. Чет эл монополиясига қарашли ва маҳаллий буржуазия қўлида бўлган асосий саноат корхоналари халқ қўлига ўтди, банклар национализация қилинди. Халқ яхши яшайдиган бўлиб қолди.

Америка монополистлари Куба сингари бой мустамлаканинг қўлдан кетишига сира-сира тоқат қилиб туролмадилар.

1960 йилнинг ноябрь ойида Америка ҳукумати Кариб денгизи районига катта ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво кучлари юборди. 1961 йил арафасида Куба давлат хавфсизлик органлари Америка разведкасининг фитналарини фош қилди. 1961 йил 3 январда эса Америка ҳукумати Куба билан дипломатик алоқаларини узди. Қисқаси ёш республикани бўғиб ташлаш учун ҳар тарафлама ҳаракат қилди.

Бироқ, Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа социалистик мамлакатлар Кубани мусибатда қолдирмадилар.

Дўстлар ёрдами, куба халқининг қаҳрамонона меҳнати туфайли мамлакатнинг иқтисодий аҳволи мустаҳкамланди. Аммо, АҚШ империалистлари, фитначилик, иғвогарлик фаолиятларини тўхтатмадилар. АҚШ президенти Кеннеди Кубага қарши унсурларга ёрдам бериш учун 4 миллион доллар ажратди. АҚШ марказий разведка бошқармаси Кубага бостириб кириш ниятида юрган контрреволюционерларни қурол-яроғ билан таъминлади.

Шу йилнинг март ойида Нью-Йоркнинг Балтмор меҳмонхонасида 59 ёшли адвокат Хосе Миро Кардон бошлиқ «Куба ҳукумати» тузилганлиги эълон қилинди. 1959 йилда Кубадан қочиб кетган жиноятчи Кардон тез орада Кубага ҳужум бошланади деб айтди. 15 апрель эрталаб соат 6 да «Б-26» типидаги, америка самолётлари Кубага ҳужум қилди. Ҳарбий складлар портлатилди, бир қанча кишилар ўлдирилди, яралар қилинди. Кубада жанговар сафарбарлик тўғрисида буйруқ берилди.

Орадан кўп ўтмай Кубага қуролли интервенция бошланди. Американинг бомбардимончи ва қирувчи самолётларидан мадад олиб турган босқинчи каллакесарлар Матансас ва Ориента вилоятининг жанубий кисмидаги бир қанча пунктларни эгалладилар.

Америка стратеглари Кубага қарши агрессиянинг планини тузар эканлар, уни яшин тезлигида бир зарба билан тор-мор қиламиз деб ўйлаган эдилар. Лекин босқинчилар, уларнинг илҳомчилари ва мададкорлари чучварани хом санаган эдилар.

Қаҳрамон Фидель Кастро бошлиқ куба халқи контрреволюцион шайкаларни тор-мор келтирди.

Америка ҳукмронлари Кубага қарши контрреволюцияга АҚШ нинг ҳеч қанақа даҳли йўқ, деб жар солмоқдалар. Лекин, агрессиянинг ташкилотчиси АҚШ ҳукмрон доиралари эканлигини бутун дунё, барча софдил кишилар яхши биладилар.

Совет ҳукумати ўз Баёнотида Кубага қарши хиёнаткорона ҳужумнинг ташкилотчилари ва илҳомчилари Америка Қўшма Штатлари эканлигини айтди.

Совет ҳукуматининг Баёноти ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Кеннедига мактубидан руҳланган қаҳрамон халқ галаба қиллики, бунинг учун Куба улуғ Совет Иттифоқидан чексиз миннатдор.

Кубанинг галабаси тараққийпарвар кучларнинг янги зафаридир, уруш режаларининг барбод бўлаётганлигини кўрсатувчи тарихий далилдир.

Евг. БЛОК.

АСҚАД МУХТОР.

ХОИННИНГ ҚЎЛИДА БЕГОНА ПИЧОҚ...

Одам борки, ошга солар оғу
Маъракa, тўй, байрам вақтида.
Олам қувонганда чидолмайди у
Ўз ажалин сезиб инсон бахтида.
Кечпра олмади қари, ҳасадчи Ғарб
«Шарқ»нинг фазоларга учган онини.
Бир қабиҳлик билан ўтмоқчи булгаб
Космос замонининг ажиб тонгини.
Кичик, баҳодир халқ олам билан бирга
Нурга, фазоларга очганда қучоқ,
Қўшниси қабрлар ўсин деб ерда
Иблиснинг қўлига тутқазди пичоқ.
Аммо оловланса эзгу ғазабдан
Шунча қувончларни сиғдирган қалблар,
Озодлик мевасин татиган ватан,
Кастро, Гагаринни туғдирган халқлар,
Титроқ қўллардаги бегона пичоқ
Хоннинг бошига етажак.
Коинотда ернинг шон-шуҳрат асри,
Давом этажак!

ХРОНИКА

Ўртоқ Иван Макарович **Нажесткин** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1961 йил 21 апрелдаги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР министри вазифасидан озод қилинди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

23 АПРЕЛДА

12.00 — **Болалар бадиий ҳаваскорлиги нўғиғининг якунловчи концерти** (Навоий номли театрдан), танаффус вақтида — **Физкультура билан шуғулланинг.** 18.30 — **Денгиз бўйидаги уй** (болалар учун киноочерк). 18.50 — **Сўнгги ахборот.** 19.10 — **Асл ўғлим қани** (ота-оналар учун киноҳикоя) 19.30 Концерт (Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Лайло Шарипова** иштирокида). 20.20 — **Ун иккинчи тун** номли бадиий фильм. 21.50 — **Узбекистон композиторларининг симфоник асарлари** (Радио уйидан).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—23/IV да кечкурун **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/IV да **Йўлчи юлдуз,** 23/IV да **Гамлет.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—22/IV да **Хоразм эртаси,** 23/IV да **Равшан ва Зулхумор.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—Қишки мавсумнинг ёпилиши олдидан 2 майгача **Арслонлар аттракциони.** Арсланларни ўргатувчи **В. Борисов гастролининг сўнгги кунлари.** 22/IV да томошалар кеч соат 7 яримда, 23/IV да—кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

КИНО

Ульяновлар оиласи — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

Ленин 1918 йилда — «ИСКРА» (кеч соат 7 да).

Ленин йўлланмаси билан — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 ва кеч 8 да).

Шахсан маълум — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 6 да).

Саккизинчи эшик (кенг экранли фильм) — «ВАТАН» (кундуз ва кечкурун).

Тўғондаги ҳодиса — «МИР» (кундуз ва кечкурун).

Очилган ҳўрик (3-серия) — «ДРУЖБА» (1-зала), СОБИР РАҲИМОВ номли, «СПУТНИК» (кундуз ва кечкурун), «ИСКРА» (кеч соат 5 дан).

Ҳақиқат — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ва кеч 6-50 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч 5 да).

Намунали йигитлар — «ИСКРА» (кеч соат 5 гача), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч 6 яримда).

Олтин юлдуз таққан малика — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз 12, 3, кеч 8 ва 10 да), «ДРУЖБА» (2-зала), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун).

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ. ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469, Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780, Қишлоқ хўжалиги — 27604, Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31226, Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01563. Нашр. Б. 94.